

Газетамизнинг 1997 йил 14 ноябр сонида «Музей залларида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда алоқачиларнинг республика миқёсидаги ягона музейи ачинарли аҳволда эканлиги танқид қилинган, музей ишини жонлантириш, уни Хивадан Тошкентга кўчириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Мақола чоп этилгач, алоқачилардан хатлар кела бошлади. Уларнинг айрим-

шаҳарлар билан бемалол беллаша олади. Бу шаҳар Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, аз-Замахшарий, Нахмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд, Абулғози Баҳодрохон, Феруз, Мунис ва Огаҳий сингари буюк мутафаккирлар, шоирлар ва халқ қаҳрамонларини жаҳонга етказиб берганлиги билан фахрланамиз. Узининг ноёб тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари билан танилган Хива юзинчи шаҳар бўлиб жаҳон маданий ёдгорликлари руйхатига киритилган. Шу заминда жой-

залдан иборат. Экспонатлар куйидаги мавзулар бўйича жойлаштирилган:

1. Радиоалоқа, телерадио ашёлари;
2. Почта алоқаси ва почта хизмати;
3. Телеграф ва телефон алоқаси хизмати;
4. Тарихий зал (номланмаган).

Музей 1983 йили ташкил қилинган боис барча маълумотлар рус тилида битилган. Эндиги муаммо музейни қайта таъмирлаш ва экспонатларни янгилаш, кургаз-

• Мавзуга қайтиб

ТАРИХИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

лари газетада эълон қилинди.

1998 йилнинг 12 январида Президентимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Орадан анча вақт ўтганига қарамай, Хивадаги музейда ҳамон ўзгариш бўлгани йўқ. Экспонатлар ҳам, республика алоқа хизмати ривожига улкан ҳисса қўшган алоқачиларнинг суратлари ҳам, чанг босиб ётибди.

Хурматли муштарийларимиз эътиборига яна шу мавзуга куйидаги мақолани ҳавола этар эканмиз, улардан фикр-мулоҳазаларни ёзиб юборишларини кутиб қоламиз.

Ватанимизнинг кўҳна Хива шаҳри тарихий обидаларга бойлиги билан қадимий Афина, Рим ва Қоҳира каби

лашган «Ичан қалъа» қуриқхонаси 1967 йили «Очиқ осмон остидаги музей шаҳар» расмий макомини олди. Бу ҳақда ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор: «Хива – жаҳон шаҳарларининг олмосидир» деган экан.

Мана шундай қадимий шаҳарда 1983 йилнинг 22 июнида Республика алоқа музейи ташкил топди. Ушбу алоқа музейи жойлашган бино 1912 йили Сайид Исфаандиёр Баҳодрохон томонидан қурдирилган эди. 1913 йил баҳорда эса шаҳардаги почта бўлими бошқа бинога кўчирилди. Морзе телеграф аппарати урнатилган бу бино «Телеграф почта контораси» деб юритилган. Ана шу кўҳна бинодаги дастлабки алоқа воситалари ва шу соҳага оид турли хил ашёлар асосида Юсуф Ҳошимович Мухамедов бошчилигида алоқа музейи ташкил қилинган эди.

Музей муъжазгина бўлиб, у асосан кириш хонаси ва туртта

маларни қайта жиҳозлашди. «Хоразм почтаси» АЖ Хива филиали 1992 йилдан 2000 йилгача фақатгина музейни уз ҳолида асраб туришибди, ҳолос. Аслида эса музей саёҳатчиларни қабул қиладиган ва ўзи ҳам даромад келтирадиган бир маскан бўлиши лозим. Афсуски, эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли бу масала ҳали-ҳануз ҳал этилмапти.

Ўтмишдан гувоҳлик берувчи ҳар бир ёдгорлик, шубҳасиз миллатнинг бойлиги, мероси ва гурури ҳисобланади. Умид қиламизки, мутасаддилар юқоридаги мулоҳазалардан керакли ҳулоса чиқариб оладилар ва Хива шаҳридаги Республика алоқа музейи маънавий ҳаётимизда узининг муносиб урнини топади.

М. РАЖАПОВ,
Хоразм давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

ГАЗЕТА ЎҚИЙСИЗМИ?

Дунё воқеаларидан мутғасил хабардор бўлиб бориш истаги одамларнинг табиий эҳтиёжидир. Шу боис муштарийлар оммавий-ахборот воситаларига катта умид билан қарайдилар.

Мухбиримиз «Матбуот тарқатувчи» АЖга қарашли 52-дўкон сотувчиси Умида БАРАТОВА билан нашрларнинг сотилиши ҳақида суҳбатлашди.

— Газета дўконларига даврий нашрлар ўз вақтида етказиб берилаяптими?

— Ҳа, нашрлар ўз вақтида дўконларга етказилмоқда.

Ушбу соҳада ишлаётганимга кўп йил бўлди. Шу давр мобайнида мижозларнинг ранжиб кетганлигини эслаб ўлмайман. Аксинча излаган наشريни топиб хурсанд бўлишади. Ҳар қалай яхши хизмат курсатилаяпти деб уйлайман.

— Дўкон пештахталарида узок туриб қоладиган ёки ўз ўқувчисини тополмаган нашрлар ҳам учрайдими?

— Бизга 90 турдан ортқ газеталар келади. Шулардан 80 фоизи ўз вақтида сотилади. Айнан униси ёки буниси сотилмай қолади дегилмайман. Чунки ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси бор. Баззан анча-мунча сотилмай қоладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Ундайлар «Матбуот тарқатувчи» АЖга қайтарилди.

— Ҳозирги кундаги хабардор-ўқувчиларнинг ҳақида нима дея оласиз?

— Аксарият ҳолларда хабардорларнинг кўпчилиги урта ёшли кишилар. Эндиликда уларнинг сафига ёшлар ҳам қўшилгангадек. Бунга сабаб, янги-янги нашрларнинг пайдо бўлаётганидир, балки.

— Муштарийларни кўпинча қайси нашрлар қизиқтиради?

— Улар асосан дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар эълон қилинган нашрларни қизиқиш билан олиб ўқийдилар. Шу билан бирга яхши мақолалар чиққан ёки теледастур босилган газеталар ҳам бир зумда сотилиб кетади. Журналлар бир мунча туриб қоляпти. Менинча нисбатан нархи озгина қимматроққа ўхшайди.

— Ҳолис бир ўқувчи сифатида нашрларга ўзининг шайхсий муносабатингизни ҳам айтиб ўтсангиз?

— Тўғриси айтсам газета ва журналларни варақлаб чиқишни қанда қилмайман. Ҳусусан «Ўзбекистон овози», «Хуррият», «Еш куч»лардаги қизиқарли мақолаларни севиб ўқийман.

— Муштарийларга тилакларингиз?

— Аввало соғ бўлишсин ва матбуотни доимо қузатиб боришсин. Чунки газета ва журналлар илму маърифатга, маънавиятга хизмат қилади.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Ш. ИСМОИЛОВ
суҳбатлашди

«СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Янгиер, Сирдарё, Ширин шаҳарлари ва Оқолтин туманидаги электралоқа филиалларига директорлик лавозими учун танлов эълон қилади:

Танловда олий ёки урта махсус маълумотли, раҳбарлик лавозимларида 5 йил иш тажрибасига эга бўлган алоқа ходимлари ва халқ ҳўжалиги соҳасида ишлаган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ – ЭЪЛОН

ТИКҚАНДАН КЕЙИН БИР ОЙ

Танловда қатнашишни хоҳловчилар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун мобайнида «Сирдарё Телеком» АЖга мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, А. Навоий шўх кўчаси, 45 «Алоқа уйи» «Сирдарё Телеком» АЖ.

Маълумот учун телефонлар: 40-38-03; 40-01-18.

«Сирдарё Телеком» АЖ
бошқарув маъмурияти

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА

ИНСТИТУТИ КҲЙИДАГИ ВАКАНТ

ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири:

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти – 1.

Доцентлар:

Жисмоний тарбия ва спорт – 1; Электрон-квант асбоблари – 1.

Катта ўқитувчилар:

Чет тиллар – 3; Мухандислик графикаси – 1; Рақамли техника ва электр алоқада бошқарув – 1.

Ўқитувчилар:

Чет тиллар – 2; Ўзбек ва рус тиллари – 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Антенна-фидер қурилмалари – 1; Сигналлар узатиш назарияси – 2.

Радиоалоқа қурилмалари – 1; Маркетинг ва менежмент – 1. Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Танловда қатнашган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юртурларида педагогик иш стажларига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108-уй.

Тел: 35-11-50.

ЭЪЛОН!

«Тошкент почтамити» акциядорлик жамияти почта хизматининг янги турларини таклиф этади.

Сизнинг буюртмангизга биноан жойларда куйидаги почта ва бошқа жўнатмалар қабул қилинади.

Ҳар хил турдаги жўнатма, баҳоли, буюртмалари икки оддий хат, бандероль, шартнома лойиҳалари, сметалар ва лойиҳа ҳўжатлари, товар намуналари, буюмлар, табрик хатлари, ойнахатлар, совгаллар, гуллар, канцтоварлар, эълонлар, рекламалар...

Корхона ушбу турдаги хизматларни Тошкент шаҳри ҳудудида 1-3 соат давомида уддалай олади ва бажарилган юмуш ҳақидаги хабарнома сизга етказилади.

Бизга топширилган жўнатмаларнинг тўла-тўқис сақлиниши кафолатланади. Тулов шартнома асосида амалга оширилади.

Хизматларимиздан фойдаланинг!

Мурожаат учун телефонлар: 133-42-02, 133-68-23.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг Фармойишига қўра 15 ноябрдан 15 декабргача ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

Республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш манзиллари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизмат-

чилар ва ўқув юртурлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг қўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, ёнгинга қарши сув таъминоти манбаларини тахт ҳолга келтириш, ёнгинлар, уларда инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўймайлик хавфсизлик ойлигининг асосий вазифаси этиб

белгиланган. Вазирилари Маҳкамаси томонидан чиқарилган ушбу Фармойиш фақатгина ёнгиндан сақлаш хизмати ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки барча вазирик, концерн, корхона ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик, ишчи-хизматчилар ва фуқароларимиз учун ҳам бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифа бўлиши шарт.

Азиз юртдошлар!

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнгиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни,

узингизнинг ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Тошкент шаҳар ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси Юнусобод туманини муҳофаза қилувчи 6-ҳарбийлашган ёнгиндан сақлаш бирикмаси Сиздан ушбу ойликда фаол иштирок этишингизни сўрайди. Ёнгин хавфсизлик ойлигида қатнашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир!

М. МЎМИНОВ,
Юнусобод тумани 6-ҳарбийлашган ёнгиндан сақлаш бирикмаси ходими

КЎШИҚДАН ТУҒИЛГАН БАХТ

Гоҳида дилларни завқлантирувчи, шўх, гоҳида эса қалбларга маъсулик ва сокинлик бағишловчи, маҳзун кўшиқлари билан эл орасида танилиб бораётган Нилуфархоним РАҲМАТОВА бугун тахририятимиз меҳмони.

Нилуфархон 1977 йили Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Фазалкент шаҳрида туғилган. 1994 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кириди ва шу йили уни муваффақиятли тамомлади.

— Нилуфархон, кўшиқчи сифатида сизнинг ҳам ўз тингловчиларингиз, мухлисларингиз бор. Уларга ўзингизни батафсилроқ таништирсангиз?

— Биз туртинчи курсда ўқиб юрган вақтимизда таниқли бастакор Султонали Раҳматов ва шоир Шавкат Азимов бир гуруҳ мусиқачилар билан институтимизга ташир буюришди. Улар ўзбек миллий эстрадасида янги йуналиш яратишни ният қилишган экан. Буни амалга ошириш учун эса уларга кўшиқчи қиз зарур бўлибди. Хуллас, 30-40 та қиз иштирокида ўтказилган танловда мен голиб чиқдим. Шу тариқа Султонали Раҳматов билан ижодий ҳамкорлигимиз бошланди.

1998 йили Жиззах шаҳридаги «Янги тароналар» деб номланган танловда иштирок этиб, танлов совриндори бўлдим. Уша йили «Денгиз», «Севганим сен» деб аталувчи аудиокассеталаримни мухлисларга тақдим этдим. Мана бу йил эса мен учун жуда кўтлук келди. Февраль ойида бўлиб ўтган «Тарона 2000» танловда «Еш умидли юлдуз» номинациясини олдим. «Қарашлар» номи билан лазер диск, «Нилуфархонимиз» султони Раҳматов» деб номланган клиплар тўплами — ве-

докассета сотувга чиқарилди. «Нихол» мукофоти совриндори ҳам бўлдим. Энг муҳими ҳаётимдаги қувончли воқеа содир бўлди — қизимиз Нозанин туғилди ва мен ОНА аталмиш буюк бахтга эришдим.

— Сиз фақат санъат ва ижоддагина эмас, шахсий ҳаётингиз — оилада ҳам Султонали Раҳматов билан йўлдошсиз. Бу ҳол ижодий фаолиятингизга қандай таъсир этади?

— Шу вақтгача қандай ютуқларга эришган бўлсам, шу инсон туфайли эришдим. Нилуфархоним бўлиб элга танилишим Султонали Раҳматовнинг меҳнати самарасидир. Оилада ҳам, ишда ҳам бирга эканлигимиз менинг бахтим, деб ўйлайман.

У киши меҳрибон ва сеvimли ёр бўлиши билан бирга ишда, каттиққўл, талабчан ва ҳаттоки шафқатсиздир. Аммо мен у кишини туғри тушунаман. Шундай бўлмаса, муваффақиятга эришиш ҳам қийин.

— Шу кунгача қайси юртларда, гастрол сафарларингизда бўлгансиз?

— Республикаимиз буйлаб деярли барча вилоятларда концерт бердик. Чет элга чиқишга ҳали имконият бўлмади. Аммо хоризгда концерт бериш келгуси режаларимизда бор.

— Машхур «Турналар» номли кўшиқингизнинг яратилиши ҳақида гапирсангиз?

— Бу кўшиқнинг шеърини қайнонам Олия Омонова (Лобар) ёзганлар. Яратилиш жараёни жуда қийин кечган. Агар мухлисларимиз эътибор беришган бўлса, бу кўшиқ ноанъанавий, бутунлай бошқа усулда ижро этилган. Юқорида айтиб ўтганим — ўзбек миллий эстрадасида янги услуб яратиш, овоз техникасининг имкониятларини, қўлаш қобилиятининг барча қирраларини намоян этиш мақсадида яратилган кўшиқ эди. «Турналар» кўшиги билан мақсадимизга қай даражада эришдик — бу албатта тингловчилар ҳукмига ҳавола.

— Кейинги вақтда эстрада хонандалари орасида энгил-

елли кўшиқ айтувчилар кўпайиб кетганлиги қаттиқ танқид остига олинмоқда.

— Тугрисини айтсам мен ҳали бировни танқид қилиш даражасига етдим дея олмайман. Аммо ҳар бир янги кўшиқ устида ишлаётганимда, кўшиқ фақат узим учун айтимаслигини хис қилиб туришим зарурлигини биламан. Айни чоғда тингловчиларнинг нафсониятига тегмаслик ва кўшиқ санъати-га хивнат қилмаслик масъулияти доимо кўз унгимда бўлади.

— Бўш қолган пайтларингизда нима ишлар билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтим деярли бўлмайди десам ҳам бўлади. Чунки қизим эндигина икки ярим ойлик бўлди. Кўп вақтимни унга бағишлайман. Фарзандим она меҳрига тўйсин дейман. Ижодий ишларимдан, машқлардан вақт оттирилсам китоб ўқийман.

— Санъаткор бўлиш қийинроқми ёки аёл, она бўлишми?

— Аёл зиммасидаги масъулият, уларнинг оиладаги жамиятдаги урнини мен узим она бўлгач хис этдим. Аёлларга ҳар қанча қийин бўлмасин, аёллик латофатимизни, меҳримизни гузаллигимизни сақлаб қолишимиз керак.

Ҳаётнинг биринчи синовларигаёқ дош беролмай, арзиманган қийинчиликлар олдида иродаси бўкирилган, ичкиликка, чекишга берилиб кетган ёш қизларни, аёлларни курсам уларга ич-ичимдан ачинаман. Мен авваламбор аёл сифатида ҳурмат қозониш-

ни, бу билан баъзи бировларнинг санъаткор аёллар туғрисидаги нотўғри тасавуurlарини ўзгартиришни истайман.

— Ошиқ қалблар доим кўшиққа ташна, кўшиқ уларнинг дардига малҳамдек... Хуллас, муҳаббат ҳақида...

— Муҳаббат Аллоҳнинг инсонларга инъом этган энг улуғ неъматидир. Аммо кимлардир бу неъматдан бенасиб ва улар муҳаббат йўқ деб ҳисоблайдилар. Муҳаббатга ошно кунгиллар эса бу дунёнинг чин гузаллигини хис этадилар. Севгининг илоҳий кучи бор. Илоҳийлиги шундаки, у доим одамларни эзгуликка, покликка чорлайди.

Куришиб турибдики, меҳру муҳаббат ришталари ҳаётнинг узвийлигини таъминлайди. Энг бебаҳо ва ҳароратли муҳаббат кўшиги — она аллеси. Бундан ҳам буюкроқ муҳаббат, бундан ҳам жозибалироқ, кўшиқ бўлиши мумкинми?!

Илоҳо, абади сунмас бўлсин муҳаббат кўшиги!

Сўхбатдош ХУЛКАР



МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир
Ўринбосари:
Иzzат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир)
Абдугани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МирЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Курулбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМУЛЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган
кўлёмалар (2 ораликда,
5 бетдан ошмаслиги
лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарил-
майди. Мақолалардаги
фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва
рақамлар масъулияти му-
аллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1039.
4839 нусхада чоп
этилади.

Офсет усулида
босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1
босма табок.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.

Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буёқ Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

● Бу — қизиқ!

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Инглиз қироличаси
Виктория почта ходими
Роберт Тейлорга ўз
портретини совға қилиб
юборибди. Унда шун-
дай сўзлар ёзилган
экан: «Ушбуни қироли-
ча Виктория Р. Тей-
лорнинг мислсиз кек-
сайганлигини инобатга
олиб ҳада қилади».

Бу инъом бечора
чолни шу қадар суюн-
тириб юборибдики, у
орадан уч ой ўтгач, 134
ёшида вафот этган
экан.

«Алоқинвест» акционерлик жамияти
бошқаруви жамоаси Навоий алоқа кўча
механизациялашган жамланмаси
бошлиғи Акрам Раҳимовга акаси
Икром РАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъ-
зия билдиради.

УНИНГ СЕВГИСИДАН ЁНАМАН

ШАРШАРА

— Намунча тиним билмай, юк-
сакликдан ошиқиб оқсан?
— Умр қисқа. Шундай экан,
яшаш учун шошиляпман.

ДЎППИ

— Эй Дуппи, нега энди Одам

бошини ўзингга макон тутдинг?

— Инсонларга ўзлгини эсла-
тиб турмоқ учун.

БУАБУЛ

— Эй Булбул, гул ишқиди не-
чун ёнасан?

— Гулдан ҳаётнинг бутун
борлигини ақл кўзи билан
кўриб қолдим.

КЎЗ

— Нега энди чап Куз билан
ўнг Куз биргаликда яшай олмай-
ди?

— Чунки чап Куз ўнг Кузни
бир умр кўра олмайди.

Эркин ҚОДИРОВ

ОЁҚДА ЭМАС КЎЛДА

Буюк Пётр ўз эркатойи
Алексей Меньшиковни укаси
қатори яхши кўрар, уни кал-
таклаб ҳам турар эди. Кўнлар-
дан бирида у эркатойини қан-
дайдир гуноҳи учун оғзи-бур-
нини қонга тўлғазиб калтакла-
ди ва «Иккинчи бор оёгингни
судраб менинг ёнимга келма!»
дея тайинлади. Лекин Меньши-

ков бир лаҳзадан кейин
Пётрнинг ёнига яна кириб кел-
ди. Туғри, у «оёгини судраб»
эмас, балки иккала қўли билан
юриб кириб келган эди.

НИМА ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Кўнлардан бирида Генрих
Гейне ўз дўстидан пули тўлаб
олинадиган хат олди. Хатда ар-
зиманган, ҳеч нарса ёзилмаган
қоғозлар кўп бўлиб, фақат кич-

кина бир варақчада «Мен узим-
ни яхши хис қилапман. Се-
нинг...» сўзлари бор эди.

Кўп ўтмай Гейненинг дўсти
ўз номига каттагина «жунатма»
қўтичаси келганини билди. Ал-
лақанча пул тўлаб, қўтичани
почтадан олди. Кўпиди катта бир
тош ва бир хат бор эди. Хатда
шундай сўзлар битилганди.
«Сен узингни яхши хис
қилаётганингни билганимдан
сунг мана шу тош ниҳоят ел-
камдан кўчиб тушди. Сенинг
Гейненг».

«Қашқадарё почтаси» акциядорлик жа-
мияти жамоаси корхона директорининг
ўринбосари Р. Мавлоновга акаси

Райим РАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан
таъзия изхор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси
Андижон давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи Рустамжон Тавакаловга она-
си

ОҚКИЗХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан
чуқур ҳамдардлик билдиради.